

ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАФФАКУР ВА ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Турсунбаева М.Т.,

Бухоро давлат университети.

✓ **Резюме,**

Ушбу мақолада олий ўқув юрти талабалари онгида экологик таълим ва тарбияни шакллантиришнинг қай даражада долзарблиги, ҳамда ушбу вазифаларни амалга оширишда қўлланилиши керак бўлган чора тadbирлар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: талабалар, экологик таълим ва тарбияни шакллантириш, табиат муҳофазаси, экологик маданиятни тарбиялаш.

ФОРМИРОВАНИЕ У СТУДЕНТОВ ПОНЯТИЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Турсунбаева М.Т.,

Бухарский государственный университет.

✓ **Резюме,**

В данной статье рассматривается актуальность экологического образования и воспитания в сознаниях студентов университетов, а также шаги, которые необходимо предпринять для решения этих проблем.

Ключевые слова: студенты, экологическое образование и воспитание, охрана окружающей среды, экологическое образование.

THE FORMATION OF THE CONCEPTS OF ENVIRONMENTAL THINKING AND EDUCATION AMONG STUDENTS

Sharafutdinova R.I., Muratova G.S., Tursunbaeva M.T.,

Bukhara state university.

✓ **Resume,**

This article discusses the relevance of environmental education and upbringing in the minds of university students, as well as the steps that need to be taken to solve these problems.

Keywords: students, environmental education and upbringing, environmental protection, environmental education.

Мавзу долзарблиги

Экологик таълим ва тарбия туғрисидаги дастлабки элементар тушунча ўрта мактабларда бошланади. Лекин олий ўқув юртларида ушбу йўналишдаги ишлар нима сабабдандир оқсоқлайди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида талабаларда экологик таълим ва тарбияни шакллантиришнинг қуйидаги стратегияларини ишлаб чиқиш даркор, яъни :

1. Талабаларни табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялаш.

2. Жонли ва жонсиз табиат ривожланиш қонуниятлари, табиат билан жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар ва шунингдек, инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатлари ҳақида билим бериш.

3. Талабаларда экологик маданиятни тарбиялаш.

Табиатни сева билишни, ундан тўғри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия ва экологик маданиятнинг асоси бўлиб, кишиларда табиат олдида масъулиятни англаш ҳиссиётини ҳосил қилади. Ватанни севиш ва ватанпарварлик табиатини севишдан бошланади. Бинобарин, талабаларда табиатга ҳақиқий муҳаббат туйғусини ҳосил қилмай туриб, уларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас. Инсоннинг табиат қучоғида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, унинг меҳнат қобилияти ва ижодий фаолиятини оширади.

Табиат муҳофазаси масаласи, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мураккаб, кўп қиррали масала бўлиб, унинг педагогик аспекти энг муҳим соҳалардан биридир.

Табиатга муҳаббат, табиат гўзалликларини севиш ва табиатдан рационал фойдаланиш гоёларини болаликдан сингдириб бориш ва бу тарбияни ўрта ва олий мактабда ўқиш жараёнида давом эттириш зарурдир. Фақат шу йул билангина табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни инсонлар онгига сингдириш мумкин.

Талабаларда табиатга нисбатан муҳаббат ва ғамхўрлик туйғулари оила ва мактабда тарбияланади. Болаларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашни ёшликдан бошлаш зарурлигини машҳур прогрессив педагоглар ўз асарларида таъкидлаб ўтишган, бунга мисол XVII асрда яшаган машҳур педагог Я.А.Коменскийнинг "Сезиларли нарсаларни расмларда ифода этиш" номли китобидир. Бу китоб болалар тушунадиган энциклопедиядан иборат бўлиб, болаларга табиатни севишга, унинг ҳаёти ва тузилиши билан танишишлариға ёрдам берадиган шаклда ёзилган.

Табиат муҳофазасида инсонпарварлик - гуманизм мақсадлари, яъни кишиларга яхшилик, ғамхўрлик қилиш муҳим ўрин тутди. Ҳамма машҳур педагоглар ўқувчиларни ёшлигидан бошлаб инсонпарварлик, табиатпарварлик руҳида тарбиялашни таъкидлаб келганлар.

Талаба ёшларнинг бевосита табиат қучоғида бўлиб, унинг гўзал манзараларидан эстетик завқ олиши, улар-

да табиатга нисбатан гуманизм туйғуларини уйғотишга ёрдам беради. Табиат билан бу хилда бевосита алоқада бўлмаган ҳолларда ёшлар табиатга, унинг манзаралари ва бойликларига бепарво қарайдиган бўлиб етишадилар.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида дарсдан ташқари вақтларда талабалар билан табиатга экскурсия ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бундай экскурсияларда табиат муҳофазасига оид турли материаллар тўплаш, тушунтириш ишлари олиб бориш, талабаларни инсон учун фойдали бўлган ҳайвон ва ўсимликлар билан таништириш зарур. Бепарволик оқибатида табиатга зарар етишини мисоллар билан кўрсатиш керак. Талабаларга фойдали қўчатлар ўтказиш, қушлар учун ясама уялар ўрнатиш эса табиий ресурсларни қўпайтириш воситаси эканлигини англатиш керак.

Олийгоҳларда табиат муҳофазасига оид қисқа метражли кинофильмлар кўрсатиб бориш ҳам катта аҳамиятга эга. Табиат ва унинг гўзаллигига оид санъат асарлари, расмлар кўргазмаси, шеър ва ҳикоялар ҳам талабаларда табиатга яхши муносабатда бўлиш туйғусини уйғотади.

Олийгоҳ ҳудудида тажриба боғчаси, гулзор манзарали дарахтлар экилган майдон, бутазор бўлиши зарур. Табиат муҳофазасига оид ишлар ушбу тажриба майдончаси ёки боғида олиб борилади, талабалар уларни сақлаш, парвариш қилиш билан шуғулланадилар.

Олийгоҳларда табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг бошланғич ташкилоти ташкил этилиб, унга талабалар, ўқитувчилар аъзо бўлиб киришлари лозим. Табиат муҳофазасига бағишланган махсус кечалар ўтказилиши, уларда "Табиатни муҳофаза қилиш", "Жамият ва унинг ишлари", "Ўзбекистон қўриқхоналари ва уларнинг фаолияти" мавзуларида докладлар, суҳбатлар ўтказилиб турилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, табиатни сева билишни, ундан тўғри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия ва экологик маданиятнинг асоси бўлиб, кишиларда табиат олдида маъсулиятнинг англаш ҳиссиётини ҳосил қилади. Айтиш мумкинки, инсон тафаккурини олий даражадаги босқичи бу экологик тафаккурдир. Зеро, инсон ўзини англаши ва унинг атроф муҳитга бўлган муносабатини ижобийлаштириши, яъни кундалик ҳаётимизда табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракати оқибатини аввалдан англаб етиши ва шунга яраша фаолият кўрсатиши, тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ҳар биримиз ўзини табиатнинг ажралмас бир бўлаги ва унинг халоскори эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун таълим-тарбиянинг барча босқичларида тингловчи ва тарбияланувчиларни экологик тафаккурини ривожлантириб бориш ҳар биримизнинг табиат олдидаги муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Н.Д. Андреева, В.П. Соломин, Т.В. Васильева "Теория и методика обучения экологии" олий ўқув юрти талабалари учун дарслик "Академия" Нашриёт маркази, 2009; 208.
2. Илмий-методик журнал "География и экология в школе 21 века" №5 2006 й., №10 2006 й., № 4 2009 й.
3. Чуйкова Л.Ю., Сиговатова М.В. "Взаимосвязи человека и природы" (ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма). 2-нашр. Астрахань, 2001; 232.
4. Чуйков Ю.С., Чуйкова Л.Ю., Сиговатова М.В. "Основы экологических знаний" (ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчилари учун экологиядан ўқув қўлланма). 2-нашр. - Астрахань, 2002; 212.
5. Табиат муҳофазаси ва экология. Тошкент Ўқитувчи 1986 йил.

Келиб тушган вақти 09.02. 2020